

*Мукаррам Камолова*

# **САЙХУН ШАБАДАЛАРИ**

*(ШЕЪРЛАР)*



**«Наманган» нашриёти  
2007**

84(59)6-5

Мукаррам шеърят оламининг сирли сўқмоқла-  
рида ҳали кўп изланиши, меҳнат қилиши лозим.

Ҳозиргачи ёзганларида илиқлик, мусаффолик,  
болаликнинг беғубор тасаввурлари уфуриб турибди.

Тўплам барча назм шайдоларига манзур  
бўлади, деб умид қиламиз.

20 <i>21</i>	Alisher Navoiy nomidagi
<i>1493</i>	O'zbekiston MF

HO 33134  
0

634 - 1426,16 - 1274300  
НГ----- 2007  
635 - 1,5 - (05) - 07

## ЎЗБЕКИСТОН

Унинг ҳур бошидан кетмайди баҳор,  
Доимо чарақлаб туради осмон.  
Кушлар навосига тўлади саҳар,  
Бунда бахтиёр ҳар қиз, ҳар ўғлон.  
Ўн беш ёшга тўлган озод Ватаним,  
Кўксимда бир олам севинч ва гурур.  
Сен билан тенгдошман, обод Ватаним,  
Миллатлар бағрингда яшар озод ҳур.  
Бобомнинг дуоси – юрт бўлсин омон,  
Илоҳим, ҳеч кимдан бўлмагаймиз кам.  
Бу дунёда уруш ёмондан ёмон,  
Халқимнинг тилаги – тинчликдир ҳар доим.



## О Р З У

Орзуларим бир дунё,  
Қўл узатсам етмайди.  
Тўхта, дейман ортидан,  
Асло мени қўймайди.  
Ҳали ёшман, барибир,  
Ниятимга етаман.  
Сайхун дарё устидан  
Бир кун учиб ўтаман.  
Рўё қолар ҳайратда,  
Мурод ҳосил бўлган кун.



## ХУМО ҚУШ

Хумо қушим, қанотларинг ёз,  
Баланд-баланд уча қол.  
Эл бошидан этганча парвоз,  
Атиргуллар соча қол.  
Ҳали ҳеч ким кўрмаган қушим,  
Таърифингдир минг достон.  
Бобом айтар: ўнг келди тушим,  
Хумо қуш- ҳур Ўзбекистон!  
Тилла рангли қанотда кетмас давлат,  
Бахт келар обод юртимнинг,  
Ҳар томонда нурли бир иқбол.  
Хумо қушим, шодон қанотларинг ёз,  
Баланд-баланд учақол!



## АХСИКЕНТ

Ахсикент кўҳна обида,  
Кават-қават дўнгиликлари бор.  
Тупрогига қулогим тутсам,  
Аччиқ-аччиқ кўз ёшлари бор.  
Бунда ўтган не-не аллома,  
Китоблари тарихга маълум.  
Ахсикентим пойини ялаб,  
Сайхундарё оқади лим-лим.  
«Бобурнома» каттакон ойна,  
Унга бир-бир боқинг, одамлар.  
Ахси пойтахт бўлган деб ёзганлари рост,  
Беш аср олдин Бобур бобомлар.  
Бир кун келиб, сирларин очар,  
Яна донги кетар оламга.  
Кўлларда гул таъзим этамиз,  
Ҳайкал қўйиб Бобур бобомга.

## **БОБУР БОБОМ**

*Бобур бобом, ботир бобом,  
Ёвни енгиб давлат тузган.  
Гоҳ бедовда, гоҳ пиёда  
Юриб машҳур китоб ёзган.  
Фазаллари, аччиқ-ширин,  
Юрт гамидан сўз сўзлайди.  
Фаргонамни согиндим деб  
Жудоликдан кўп бўзлайди.  
Ахсикентга қайтинг, бобо,  
Пойтахт яна гулласин.  
Қайта қолинг, қайтинг, бобо  
Сизни Худо қулласин.  
Бобур бобом, ботир бобом,  
Бошқа юртда ётур бобом...*



## ШОИРА ЁДИ

### Зулфияхонимга

Устоз, яна ўрик гуллади,  
Сизни йўқлар ҳар чечак, япроқ.  
Ҳатто қушлар қўмсаб куйлади,  
Согинчимиз каттакон сўроқ.  
Нурга тўлиб, олам чарогон,  
Шеърларингиз бизга мададкор.  
Сизни алқаб ҳур Ўзбекистон,  
Гуллар тутар ҳар йили баҳор.  
Кўлгинамда титрайди қалам,  
Тунларим ҳам ўтади бедор.  
Кийин экан шеър битмоқ бирам,  
Учираман ёзганим юз бор.  
Дилимдадир сиз учун эъзоз,  
Рухингиздан мадад тилайман.  
Насиб қилса, бир куни устоз,  
Пойингизга шеърим йўллайман.

## МАКТАБИМ

Бизни қучоғингга олдинг эркалаб,  
Устозлар беришди маърифат, таълим.  
Тўққиз йил бағрингга шошдик эрталаб,  
Илмга йўллади ҳар бир муаллим.  
«Алифбе»ни очиб танидик ҳарф,  
Ҳамма китобларга дўст қилдинг бизни.  
Тамом қилолмайман берсамда таъриф,  
Кошки оқлай олсак сен берган тузни.  
Ақл, куч-қувват бердинг, ўқидик, ўсдик,  
Оламни танитдинг бериб тафаккур.  
Бугун қучоғингдан мактабим, учдик,  
Мактабим, бир умр сенга ташаккур.



## АСҚАР АКАМ

Асқар акам асқар бұлди,

Ватанни қуриқлайди.

Билаги қувватга тўлди,

Ҳеч нарсадан қўрқмайди.

Бегона кўз олайтирса,

Ўнглаб қўяр йўлини.

Агар муштин дўлайтирса,

Қайриб қўяр қўлини.

Посбоним бор биз тинч-омон,

Яшаймиз ҳур Ватанда.

Мусаффордир доим осмон,

Асқар ахир, акам-да!



## НАВРЎЗИМ

*Истиқлолни олқишлаб,  
Ҳар йил Наврўз келади.  
Халқ омон чиқиб қишдан,  
Олам гулга тўлади.*

*Сумалакнинг майсаси,  
Яшил индай бўй чўзар.  
Қушлар келиб ҳаваси,  
Бир-бирин қувиб ўзар.*

*Осмонда қанот бўлиб,  
Учар укам варраги.  
Кўкка қувончи тўлиб,  
Қарагани қараган.*

*Гул водий тоғларидан,  
Сабо салом йўллайди.  
Ахсикентнинг боғларида,  
Олма, анор гуллайди.*

*Навбаҳорни улуглаб,  
Байрам қилар одамлар.  
Деҳқоним уруг сочиб,  
Даласида одимлар.*

### **В А Т А Н**

*Ким шеър ёзмаган улуглаб, мақтаб,  
Пойингга бош эгиб бешигим - Ватан?  
Энг ширин сўзимни ўзингга атаб,  
Мадҳ этгим келади қайта-қайтадан.*

*Бобом Истиқлолни зўр неъмат деди,  
Минг шукр, ушалди асрий армонлар.  
Озод булмасайдик, бахт қайда эди?  
Ватанни севингиз, қиз-у ўғлонлар.*

*Ватан саждагоҳдай азиз, мўътабар,  
Хар зарраси туташ, пайванддир жонга.  
Ким унга ноҳақ қўл кўтарса гар,  
Қадам босолмайди Ўзбекистонга.*

## У С Т О З

*Кўлимга қалам тутган  
Меҳрибон устозимдир,  
Дафтарга номим битган  
Жонажон устозимдир.  
Темур бобом, Навоийни-  
Танитган устозимдир.  
Фарзанддек кўриб жонин-  
Койитган устозимдир.  
Шогирдларни ўйлаб сиз,  
Китоблар варақлайсиз.  
Дилда доим Устозим  
Офтобдай чарақлайсиз.*



## ОЛТИН ФАСЛ

Куз фаслидир олтин фасл,  
Оқ пахталар чаман - чаман.  
Қишлоқ далага солар йўл,  
Мен қуш бўлиб учаман.

Ҳар чаногии булоқ - булоқ-  
Оппоқ сутдай тошиб ётар.  
Деҳқон бобом нобуд қилмай,  
Омборларга ташиб ётар.

Ҳамма бизда пахтакордир,  
Белни белга боглаймиз.  
Баланд-баланд хирмон ясаб,  
Эл юрт кўнглин чоғлаймиз.



## АХСИНИ АСРАЙЛИК

Ахсининг пойига бош уриб Сайхун,  
Айқириб оқади ичи тула сир.  
Баҳор кўтарилиб авж олар тўлқин,  
Кўҳна харобага этади таъсир.

Одамлар жонидай авайлаб - асраб,  
Дарахтзор қилишар қалъа остини.  
Сайхун эса санчир, гўё қонсираб,  
Оқизмоқчи бўлар гишт-у тошини.

Устозимиз бир кун айтди тўғри гап,  
«Ватанни севмоқлик имондан», дебон.  
Яшашимиз керак Ахсини асраб,  
Тарихни асраш ҳам имондан, демак.



## **БУВИЖОНИМ**

*Бувижоним бошимни силаб,  
Ҳар кун дуо қиларлар.  
Худойимдан бахтимни тилаб,  
Юртга тинчлик тиларлар.*

*Уйимизнинг фариштаси Сиз,  
Бувижоним, бувижон.  
Озодаси сариштаси Сиз,  
Бувижоним, бувижон.*

*Сиз борсизки яшаймиз ҳуррам,  
Тўғри йўлга йўллайсиз.  
Дастурхонда ҳар куни байрам,  
Ҳаммамизни қўллайсиз.*

*Бошимизда бахт қушидай,  
Доим туринг, бувижон.  
Азиз Ватан ардогида,  
Даврон суринг бувижон!*

## ЁР - ЁР

Гулқишлоқнинг боғларида

Гули кўпдир ёр-ёр,

Авжи баҳор чоғларида

Сулув кўпдир ёр-ёр

Ахсикентнинг қуш кифтида

Гуллар чаман ёр-ёр,

Омон бўлсин бахтимизга

Озод ватан ёр-ёр.

Рақсга тушиб, қўшиқ айтган-

Ўланчиман, ёр-ёр,

Шу чаманда униб-ўсган

Қаламчиман, ёр-ёр.



## Х А Л Қ И М

*Дунёга машҳурдир ўзбек деган ном,  
Тарихда ўрни бор баҳодир миллат.  
«Куч - адолатда», деган Темур бобом,  
Яшасин доимо кучли адолат!  
Халқим фидойидир, юртни ўйлайди,  
Улуғ боболарнинг қони бор танда.  
Меҳнатдан чўллар оппоқ гуллайди,  
Бизлар бахтиёрмиз шундай чаманда.*



## БАҲОРДА

Ёмғир ёғар тасир-тусур,  
Ариқ тошар қиргоқдан.  
Тинмай куйиб кўкни тўсар,  
Чақмоқ чақиб ҳар ёқдан.

Эрта тонгда далага чиқиб,  
Бугдойзорга қарайман.  
Бахмал каби майсаларни,  
Бармогимда тарайман.

Дарахтлар ҳам букилиб,  
Тебранади нимжони.  
Салга кетар тўкилиб,  
Новдасидан маржони.



## Қ У Т Л О В

*Ватандошлар қутлуг бўлсин истиқлол,*

*Рўёбга чиқди-ку, дилдаги ният.*

*Бизни кутаётир нурли истиқбол,*

*Ислом бобом айтган буюк бир давлат.*

*Истиқлолни асранг, ёмон кўзлардан,*

*Террорчи - хоинлар топмасин омон.*

*Юртни асрамасак тажовузлардан,*

*Бизни кечирмайди ҳур Ўзбекистон!*



## **ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИ**

*Етти иқлим танир деҳқон бобомни,  
Саҳрони жаннатдай қўйган гуллатиб.  
Тоғ билан беллашар уйган хирмони,  
Қовун - тарвузидан бир кўринг татиб.  
Мевалари ларзон, болдан ҳам ширин,  
Маржонга ўхшайди ишкомда узум.  
Уни ширин қилган пешона тери,  
Ва қуёш нурида тобланган юзи!*



## О Н А Ж О Н

*Ҳамиша меҳрингиз дариг тутмасдан,*

*Бизга бахт тилайсиз, мунис Онажон.*

*Кўрганимга ҳали уч кун ўтмасдан*

*Согиниб кетаман сўзсиз, Онажон.*

*Қаерда бўлсак ҳам ташвиш тортасиз,*

*Ўзни ўйламайсиз фидо қилиб жон.*

*Кургур ташвишлардан қачон ортасиз,*

*Сизга не қилайлик, айтинг, Онажон!*



# МУНДАРИЖА

Ўзбекистон .....	3
Орзу .....	4
Хумо қуш .....	5
Ахсикент .....	6
Бобур бобом .....	7
Шоира ёди .....	8
Мактабим .....	9
Асқар акам .....	10
Наврўзим .....	11
Ватан .....	12
Устоз .....	13
Олтин фасл .....	14
Ахсини асрайлик .....	15
Бувижоним .....	16
Ёр-ёр .....	17
Халқим .....	18
Баҳорда .....	19
Қутлов .....	20
Ўабек деҳқони .....	21
Онажон .....	22

*Адабий-бадний нашр*

*Мукаррам Камолова*

# **САЙХУН ШАБАДАЛАРИ**

*(ШЕЪРЛАР)*

Муҳаррир:

Саҳифаловчи:

Тех. муҳаррир:

Мусаҳҳиҳ:

**Жамолиддин МУСЛИМ.**

**И.ТОШХОЖАЕВ.**

**Ғ. МУЛЛАБОЕВ.**

**С. ХОЖАЕВ.**



Теришга 7.05.2007 йил берилди. Босишга 15.05.2007 йил рухсат этилди.  
Газета қозоғига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/32. Ҳажми 1,5  
босма табақ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 323 Баҳоси келишияган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси 36-уй.  
«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.